



Шакл, мазмун ва бошқалар хакида

Романтизм вокеликни эмас, балки вокелик хакидаги идеални акс эттиради. Реализм учун энг мухим нарса – вокеликнинг ўзи. У вокеликнинг ўзгариши билан ўзгариб боради. Аслида, ҳеч бир метод тоза эмас.

Адабиётда икки хил шакл мавжуд:

1. Вокеликка хос бўлган инъикос шакли;
2. Вокеликка хос бўлмаган инъикос шакли.

Санъат – бу вокеликнинг образлар воситасида инъикос этилиши. Илмда мантикий тафаккур, санъатда бадиий тафаккур бор. Тафаккурнинг муайян босқичлари куйидагилар:

1. Мифологик;
2. Романтик;
3. Реалистик.

Булар вокеликнинг характеридан келиб чиққан. Хозирги санъат фақат ҳаётни инъикос этмайди, балки борликни акс эттиради.

\*\*\*

20-йилларда Томас Манн ижодида мифдан фойдаланиш бошланди. Бошқа кўпгина ёзувчилар унга эргашдилар. Совет адабиётида узок вақт бундай йўл тутилмади. Мустасно бор эди, албатта. Чунончи, Платоновнинг “Котлован” киссаси.

\*\*\*

Илья Эренбург шундай деган эди. Агар жаҳонда учта романнавислик окими бўлса, улар:

1. Кафка;
2. Камю;
3. Жойс.

\*\*\*

Инсон зоти тафаккур нуктаи назаридан ўтакетган дангаса.

\*\*\*

Адабиётнинг олдида талаб кўйиб бўлмайди, уни ўз холига кўйиш зарур.

\*\*\*

Шакл топилса, бадиий асар яратилиши мумкин, йўкса – йўк. Камю, Кафка, Фолькнер ижоди кўпроқ Фрейднинг психоанализи билан боғлиқ. Хозирги замон адабиётида кўпроқ психоанализ талаб этилади. Чунки илгариги тафсилотли сюжетлар ушбу кун кишиси учун завқ бермай қолди.

\*\*\*

Инсонни инсон қилиб турган нарса, бошқа бир унсур бор, бу – рух!

\*\*\*

Хар қандай мазмун муайян, ўзига хос шаклда рўёбга чиқади. Жахондаги хар қандай мазмуннинг ўз шакли бор. Агар ижодкор маълум бир шаклни топа олмаса, демак, бадиий асар йўк. Шакл мавхум нарса эмас. Шакл мохияти бу – сўз. Лекин бу оддий сўз эмас, бадиий сўз.

\*\*\*

Композиция, сюжет, тил – шакл. Унда мазмун нима? Жиддийроқ қарасак, шуларнинг ўзи мазмун. Рўёбга чиққан сюжет, композиция, сўз – мазмун.

\*\*\*

Инсон тафаккури бор нарса. Табиатда-чи? Унда ҳам муайян тафаккур мавжуд. Чунки оламни ушлаб турган қонунлар – тафаккур меваси. Биз тушунмаган тафаккур оламда ниҳоятда кўп. Уларда ҳам бадиий унсурлар ҳаёт. Қашф этиш – тафаккур қилишнинг биринчи босқичи.

\*\*\*

Воқелиқни инъикос этиш бу – воқелиқни қайта яратиш. Бу – воқелиқнинг худди ўзи эмас, балки модели.

Воқелиққа муайян муносабат ва шу муносабат нуқтаи назаридан воқелиқни акс эттиришнинг эстетик тамойиллари

Корнель асарларида ақл бирламчи, ҳиссиёт иккиламчи. Расинда бўлса, аксинча. Ленин: “адабиёт ва санъат мафқуранинг маълум шакли ва унга хизмат қилади”, дейди. Бу нотўғри, аксинча, мафқура адабиёт ва санъатга хизмат қилиши лозим.

Адабиётнинг тарбиявий аҳамияти йўк! Унинг ягона вазифаси – воқелиқни инъикос эттириш. Адабиётнинг таъсири эстетик, психологик бўлади, асло сиёсий, мафқуравий эмас. Адабиётга партиянинг ҳеч қандай раҳнамолиги керак эмас. Мабоодо, раҳнамо топилса, адабиётнинг йўналиши фақат битта бўлиб қолади.

\*\*\*

Навоий воқелиқнинг ўзини эмас, балки воқелиқ ҳақидаги ўз ҳаёлини тасвирлайди. Навоий – романтик шоир, унинг даҳолиги ҳам шунда. Биз реализм методини энг яхши деб билдик ва Навоийни ҳам шу “яхши” метод намояндаси сифатида кўрсатмоқчи бўлдик. Бу – хато.

\*\*\*

Меҳнат қилишда эмас, йўк, балки тафаккур қилишда инсон жуда-жуда дангаса. Биз меҳнатга ўрганиб қолганмиз, фикрлашга эмас.

\*\*\*

Асарлар “ҳақида” эмас, уларнинг ўзини ўқиш зарур.

\*\*\*

Асар устида кайта ишлаш мумкин эмас, асарнинг тили устида кайта ишлаш мумкин. Унинг мохияти, магзи ўзгармас бўлиб тугилади.

\*\*\*

Принципиал нуктаи назардан Бальзак ва Толстой ўртасида фарк йўк, лекин жузъий жихатдан олсак, улар бошка-бошка.

\*\*\*

Энгельснинг: “адабиётда типик воқеалар типик шароитларда тасвирланади”, деган гапи нотўғри. Чунки бир кишининг хаётни, хаёлини акс эттирган асарлар типик эмас, бироқ, бу ҳам бадиий асар – адабиёт. Кахрамон типик бўлмаслиги мумкин, бироқ, барибир, у – тип.

\*\*\*

Социалистик реализм мавжуд, аммо адабиёт сифатида эмас, балки идеология – мафкура сифатида.

Модернизм

Модернистик адабиёт XX асрнинг 30-йилларидан шакллана бошлади. У ўз ичига кўп нарсаларни камраб олади. Мазкур адабиётнинг Кафка, Камю, Жойс каби оврупалик, Фолькнер, Хемингуэй каби америкалик йирик вакиллари бор. Улар хаётда учрамайдиган (мифологик ва бошка) шаклларда ижод этдилар. Зигмунд Фрейд – модернизмнинг пайгамбари. У: “шуурнинг кўринмас, ботиний тарафлари мавжуд. Инсондаги кўп холатлар шу ботиний шуур меваси”, дейди. Жойс ўз асарларида шуларни таҳлил қилади, чунки у Фрейд билан таниш эди.

\*\*\*

Маркс: “буржуазияда инсон яккаланиб қолади, чунки бу система ва хусусий мулк билан боглик”, дейди. Бу – янглиш фикр. Инсоннинг яккаланиши факат капитализмга хос эмас. У жамиятга ва инсоннинг табиатига боглик. Инсоннинг яккаланиши барча жамиятларга, жумладан, социализмга ҳам хос хусусиятдир. Жамият канчалик мураккаблашиб боргани сайин, танхолик шунчалик кучаяди. Масалан, ибтидоий жамоа тузумидаги билан hozirги давр инсон танхолигини олиб кўрсак, сезамиз.

Экзистенциализм

Экзистенциализмга асос солган одам Жан Поль Сартрдир. Экзистенциализм “хаётнинг маъноси унинг бемаънилигида”, дейди. Лекин инсоннинг бунга алоқаси йўк. Хаётнинг маъноси фожиадир, тўғрироғи, ўша фожиани енгишда. Хемингуэй ва Айтматовлар шундай тушунадилар. Экзистенция – маънонинг бемаънилиги, бу – буюк фожа!

\*\*\*

Сартр: “хар битта одам конида экзистенция (фожа ва беъманилик, кўнгилни беҳузур қиладиган субстанция) мавжуд”, дейди.

\*\*\*

Хаётда яратувчилик билан бир каторда йўк килувчилик ҳам бор. Йўкса, инсоният аклини танигандан буён урушиб келмас эди.

\*\*\*

Инсон заиф, у фожиадан кўркади. Бунинг ўзи ҳам фожа.

\*\*\*

Хаётнинг устидан чиқарган ҳукмимиз бизнинг ўзимизга ҳам тегишли.

\*\*\*

Оламдаги жониворларнинг биттаси – биз ва бизнинг ҳеч қандай улардан устунлигимиз

йўк.

\*\*\*

Хаётнинг ўзи кучли фожиаларни мужассам килади. Камюда ҳеч қандай хайратга туширадиган қахрамон йўк, лекин уларнинг тақдири кишини қийнайди, азоблайди. Яхши асарни ўқигач, киши поклангандай бўлади. Адабиёт бундан ортик нима берсин?

\*\*\*

Буларнинг ҳаммаси тафаккур қилишнинг битта йўли, холос.

Эмиль Золя

Инкилоб – бир гуруҳнинг иккинчи бир гуруҳ устидан галабасидир. Флобер Париж коммунасини инкор этган. Аммо у Бальзакни инкор этмаган, факат Бальзак изидан бормаган.

\*\*\*

Шу кунги хаётни – факат сўқиш, инкор этиш, қаргаш мумкин бўлган хаётни тасвирлашга реализм керак. Шундай реализм Золяда мавжуд. Унда эксперимент кучли. Адабиётда баъзан мувафаккиятсиз эксперимент одатдаги асарлардан қимматлироқ бўлади.

\*\*\*

Классик адабиётда воқеликни тасвирлаш етарли эди. Хозир етарли ва муҳим эмас. Бу – жўнлик.

Воқеликни тасвирлаш – синтез, тушунтириш – анализ.

\*\*\*

Навоийдаги савкитабий (интуиция) хозир йўк. У минг йилда бир марта дунёга келади.

\*\*\*

Белинскийнинг: “санъат воқеликни бадиий сиймолар асосида акс эттиради”, дегани бугун етарли эмас. Чунки воқеликни бадиий тадқиқ қилиш асосида бадиий сиймоларни яратиш – бугунги кун шиори.

\*\*\*

Эмиль Золя – реалист. У: “илм билан бадиий асар бир хил. Факат уларнинг танлаган объектлари, методлари бошқача, мақсадлари эса битта”, дейди.

\*\*\*

Инсонни ген (ирсият) программалаштиради. Ген авлоддан-авлодга ўтади. Инсон сажиясини белгиловчи нарса атроф-муҳит эмас, балки субъект, ирсий программа. Инсон – бетакрор, йўкса, ота-онаси қим бўлса, у ҳам ўша бўларди.

\*\*\*

Золя қахрамонлари ноанъанавийдир.

\*\*\*

Инсоннинг генига таъсир қилиш (яъни, ўзгартириш) жинойт.

\*\*\*

Импрессионизм – бир лаҳзада кечган муайян нарса-ходисани тасдиқлаш, рўёбга чиқариш, акс эттириш. Масалан, рассом маълум бир тасвирнинг қайси жилваси кўринса, ана шуни акс эттиради. Реалликда эса типиклаштирилади ва, натижада, нимадир йўқотилади. Импрессионизм ўша ниманидир олади.

\*\*\*

Бир тасвирни ҳар хил рассом ўзича (турлича) кўради.

\*\*\*

Импрессионизм буюқ санъат. У улкан санъатларни келтириб чиқаради. Золяда ҳам шу нарса бор. Золянинг баъзи асарлари ниҳоятда зерикарли бўлиши мумкин, лекин у бор

нарсани ёзади. Мухими хам шу – бор нарсани ёзиш. Хемингуэй: “ёзувчи нимани яхши билса, шуни ёзиши керак”, дейди.

\*\*\*

Хар кандай истеъдод конкрет, аник-муайян бўлади. Истеъдоднинг ўзи нима? У – эхтироснинг энг юкори даражада намоён бўлиши. “Умунан истеъдод” деган нарса йўк. Хар бир ёзувчининг ўз истеъдоди мавжуд.

\*\*\*

Романтизмнинг “ожизлиги” шундаки, унда олдин программа (дастур) тузилади ва шу асосида асар ёзилади. Бунга сигмай колган жойлари эса киркиб ташланади.

\*\*\*

Золядаги фавкулоддалик ирсият билан боглик.

\*\*\*

Толстойда ўз-ўзини инкор киладиган карама-каршилик бор. Буни Ленин ёзувчи дунёкарашининг чекланганлиги билан изохлайди. Аслида-чи? Аслида, бу нарса Толстойда “ёмонликка яхшилик оркали жавоб бер”, кўринишида мавжуд ва буни шундай тушуниш лозим.

\*\*\*

Хаётда хамма хам шахс даражасига кўтарилавермаслиги мумкин, лекин хар битта инсон битта индивид.

\*\*\*

Золя марксизмни кабул килган эмас, бироқ социализмни – бошкacha социализмни кабул килган. Унинг энг катта асари “Ругон – Маккарлар”дир. Асар йигирма жилддан иборат ва ундаги воқеалар йигирма йилда кечади. Кизиги шундаки, ёзувчи бу асарни йигирма йилда ёзиб тугатган.

\*\*\*

Романни Белинский жанр деб атайди. Хозир роман жанр эмас, балки тур. Унинг жанрлари мавжуд. Масалан, роман, роман-эпопея. Воқеликка муносабат, бадиий тамойил романни эпопея килиши мумкин. Аммо хамма кўп жилдли романлар хам эпопея бўлавермайди.

\*\*\*

Одамлар бошига кулфат тушгандагина бирлашади. Бошка пайтларда эса бирлашмайди.

\*\*\*

Кахрамон такдирининг тарихи – сажия (характер).

\*\*\*

Асарнинг ният-гоясини аввалдан билиб бўлмайди. Агар билиб бўлса, бу романтизмдир.

\*\*\*

Бизда яратилган асарларда факат шарт-шароит одамни одам килади, дейилади. Индивид, шахс, ирсият эсдан чиқарилган. Ирсиятнинг шахсда намоён бўлиши Золяда конуний тарзда кечади. Толстойда бу жихат ўткинчи.

\*\*\*

Ёзувчи бошка миллат вакилини акс эттирганда хам, барибир, унда ўз миллати хусусиятини сезиш мумкин. Бу камчилик эмас – ўзига хос жихат.

\*\*\*

Совет адабиёти йўк. Чунки совет деган халк йўк. Рус адабиёти бор, ўзбек, грузин адабиёти бор. Совет маданияти ҳам, музикаси ҳам йўк.

\*\*\*

Адабиётга сиёсатни сукиш керак эмас, бадииятнинг ўзи сиёсат.

\*\*\*

Ахамияти жихатидан ёзувчи (шоир) умумжахон бўлиши мумкин, лекин поэтикаси, бадиияти жихатидан факат ўз миллатининг одами бўла олади, холос.

\*\*\*

Жамият индивидни яратади, деган фикр нотўғри, балки индивид жамиятни яратади. Хатто Навоийда кўп кахрамонлар шароит махсули. Мавжуд индивидлар эса романтик хусусиятга эга.

\*\*\*

Ёзувчининг хаёли чексиз бўлганда ҳам объектив хаёлот (борлик)дан шубҳасиз тордир.

\*\*\*

Золя ўз хаёлотини чеклайди. Бу – хаммининг кўлидан келадиган иш эмас. Масалан, у адабиётни илм дейди.

Золя индивиди Бальзакникидан кенгрок. Фрейд кашфиётлари Золя кашфиётлари устига қурилган. Бу – табиий хол. Уларда фавкулудда ходисалар, индивидлар текширилади.

\*\*\*

Колиплар – стереотиплар дастлаб пайдо бўлганда ижобийдир. Улар қайтарилганда, сийкаси чиқади.

\*\*\*

Сўз ташбехга айланганда бадиийлик юзага чиқади. Идеализмсиз бадиият йўк. Идеализм бу – бор нарсани хар хил тушуниш.

\*\*\*

Асар вақт ўтиши билан бошка (асар)га айланади. Чунки уни тушуниш хар хил.

\*\*\*

Истеъдод – тугма ходиса. Уни аямай сарфлаш керак. Сарфлашнинг оркасидан яна сарфлаш келиб чиқади. Бирок истеъдодга эҳтиёт бўлиб муносабатда бўлиш лозим.

\*\*\*

Хакикий санъаткор хар доим ношукур бўлиши керак. Хакикий ёзувчи учун яшаш бу – ижод. Хемингуэй ёзолмаганини тушунгач, ўзини ўлдиради. Гоголь ва Мопассан жинни бўлиб ўлган.

\*\*\*

Орка мияда биз билмаган бўлим бор ва у анормал психологияни пайдо қилади. Жиннилар харакатини ботиний шуур бошкариб туради. Фрейд бунинг сексология билан боғлаб аниқлаб берган.

Секс бу – эхтирос. У кудратнинг энг юкори даражада рўёбга чиқишидир. Секс бу – кўпроқ рухий якинлик. Леонардо да Винчи суратидаги сеҳр бу – коникмаган секснинг кўриниши.

\*\*\*

Ёзувчида жасорат бўлиши зарур. Кўпчиликда шу етишмайди.

\*\*\*

Табиатнинг бутун фожиасини тўлалигича акс эттириб, кабул килиб бўлмайди. Бунга инсон чидай олмайди. Золя буюк жасорат чегарасида фожиани акс эттирган. Ушбу хаддан четга чикиш мумкин эмас. Ундан четга чиккан Золя мутлако халок бўлади.

\*\*\*

Инсоннинг киммати, даставвал, унинг омма эканлигида эмас, балки инсоннинг якка ўзида. Сталинизм “Оммада!” дегани учун вужудга келди, яъни, у якка одамларда кимматни кўрмади, ўлдираверди.

\*\*\*

Сизифнинг бахти – унинг бахтсизлигида, шуни хис килганида.

\*\*\*

Севги – бу фожа. Чунки унда ўзликдан кечишга тўғри келади, яъни, ўзингни кимгадир багишлайсан. Ўзингдан кечиш эса – бахтсизлик.

\*\*\*

Бахт балки ўткинчиликни тушунишдадир.

\*\*\*

Инсон тафаккури чексиз эмас. Инсонни инсон киладиган нарса бу – маънавият.

\*\*\*

Инсон фожиани тан олиши ва уни енгишга харакат килмоги керак. Хемингуэй учун ёзиш – хаёт, фожиани енгиш эса – яшаш эди. У жисмонан ёзолмай колди ва ўзини-ўзи отиб ўлдирди.

\*\*\*

Рухият – ёзилмаган, айнамаган дин! Одам канча буюк бўлмасин, унинг рухиятида яшириниб ётган ўз манфаати бор. Бусиз мумкин эмас. Бусиз одам – одам эмас. Унинг бошқаларга хизмат килишида ўз манфаати бўлади.

Томас Манн

Томас Манн Толстой ва Бальзаклар даражасида, лекин уларга нисбатан анча мураккаб. Унинг Толстой ва Бальзак сингари оммавий эмаслигининг сабаби хам шунда.

\*\*\*

Факат образ оркали вокеликни тўла акс эттириб бўлмайди.

\*\*\*

Адабиёт истеъдоддан ташқари (ёзиш) техника(си)ни хам талаб килади.

\*\*\*

Чернишевский ўта тенденциоз ёзувчи. У халкни кўлга болта олишга биринчи бўлиб чакирган. У ёзувчи эмас, “Нима килмок керак?” деган асари хам асар эмас. “Нима килиш керак?” деган саволга “Вокеликни акс эттириш керак”, деб жавоб бериш лозим.

\*\*\*

Адабиётга хикоя мифларни дастлаб Томас Манн олиб кирган. Фашизм саксон миллион одамни йўқ килди. Лекин мазкур кабохатга нима мажбур килди? Буни хеч нарса тушунтириб беролмайди. Факат озгина якин борадигани бу – МИФ.

\*\*\*

Хар битта бадий асар дастлаб миллидир. Миллий бўлмаган адабиёт, адабиёт эмас. Хорижий ўзбек адабиёти

Америкалик ўзбек ёзувчиси Булокбоши Чўлпонни Шекспирга киёс килади. Кейин ёзади: “Йўк, чукуррок ўйлаб кўрсам, Чўлпон Шекспир эмас экан. Чўлпон бу Чўлпондир”.

\*\*\*

Сўзни ўлдирсангиз – тил ўлади. Тил ўлса, миллат ўлади. Миллат бу – ўзбек, француз, турк, инглиз...

\*\*\*

Балки Пушкин, Лермонтовнинг аслини, тўла муқобилини ўзбек тилида ўқиш мумкин.

\*\*\*

Адабиёт ўз сиёсатини ўзи намойиш қилсин. Унга тикиштириш шарт эмас. Хозир ҳар бир ҳаракатимиз, сўзимиз – сиёсат. Хатто тушларимизда ҳам сиёсат мавжуд. Лекин булар сиёсатлаштириш эмас. Хозирги ўзбек адабиётида сиёсатлаштириш йўк.

\*\*\*

Бобурга келиб ўзбек адабиёти иккита йўлга ажралиб кетган. Назаримда, ўзбек классик адабиёти Машрабгача давом этади.

\*\*\*

Навоий ва Фуркатлар маърифатчи эмас. Рус маданиятини сўқигани учун Фуркатни маърифатчи деб бўлмайди. Ахир, бу – туркий халқлар маданияти эвазига бошқа маданиятни киритиш-ку!

\*\*\*

Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” деган шеърида миллатчилик бор. Миллатчилик – буюқ ходиса. Шовинизм – бир миллатни иккинчи миллатдан устун қўйиш. Миллатчилик эса ҳар ким ўз миллатини химоя қилиш, демақдир.

\*\*\*

Жахонда майда ёки катта халқ йўк. Чунки миллатлар бир жонзотнинг аъзоларига ўхшайди. Жонзот учун унинг ҳар бир аъзолари бирдек қимматли. Битта аъзо ишдан чиқдими, демак, бутун танада емирилиш бошланади.

\*\*\*

Аллоҳни тан олиш ёки инкор қилиш унчалик муҳим эмас. Асосийси – унинг даражасига руҳиятда чиқиш.

\*\*\*

Рух – нурланиш оқими, моддий.

\*\*\*

Йўк нарсага ҳам “бўлиши мумкин” деб қараш лозим. Бу ерда инсон ўзига чексиз эрк бермоқда. Инсон тугилгандан бери эркни орзу қилади. Балки инсоннинг асл моҳияти шундадир.

\*\*\*

Маркс: “Эрк бу – англандан зарурият”, дейди. Аслида, эрк ва зарурият бир-бирига қарши. Марксдаги эрк сохта. Эркнинг чегараси йўк. Руҳиятга эрк бериш лозим.

\*\*\*

Етти рақами муқаддас. У космогониянинг белгиси. Космогония – етти иқлим, етти олам, етти само. Биз ҳаммамиз ўз юлдузларимиз таъсирида бўламиз. Чунки биз тугилганимизда муайян юлдузлар ўз таъсирларини ўтказганлар.

\*\*\*



“Пантуркизм”, “панисломизм” деган гаплар гирт ёлгон. Чунки бор бўлганида эди, сўз ҳам ўзбекча бўларди.

\*\*\*

Жадидчилик – энг аввало, адабий-бадий харакат. У жахоннинг ярмини камраб олган. Жадидчилик худди бугунги кундагидек янги бадий тафаккур. У илгариги маориф тизимини, яъни, мадрасалардаги ўқитиш тизимини тиклашга интилишдан бошланган. Бунинг учун адабиёт оркали йўл тутишган. Туркияда бошланган. У – тараккийпарвар умумтурк харакати. Жадидчиликка француз маърифатчилиги таъсир килган. Масалан, Хамзанинг “Захарли хаёт” номли асаридаги фохиша аёл тасвири. Француз маърифатчилиги эса, ўз навбатида, Шарк маданиятидан илхом олган.

\*\*\*

“Инкилобий”, “прогрессив”, “реакцион” адабиёт деган тушунчалар бўлмагур гаплар. Чунки адабиётнинг магзи – инсон. Шундай экан, у кандай килиб реакцион бўлади? Кўринадики, жадидчилик адабиёти ҳам на прогрессивдир ва на реакцион.

Адабиётда иккита рух бор:

1. Куллик;
2. Озодлик.

Шахснинг озодлигини миллатнинг озодлиги таъмин этади. Мен аввал ўзбекман, кейин озодман.

Лотин Америкаси адабиёти

Жахон адабиётида Лотин Америкаси адабиётини феномен дейишади. Бу адабиётда роман бўлган эмас, демакки, анъана ҳам бўлмаган. Биринчи роман 1931 йилда ёзилган ва “Премия” деб аталган. Навоийнинг “Садди Искандарий” сини роман дейиш мумкин. Чунки у мифга асосланган (колган дostonлари роман даражасига кўтарилган эмас). Шунга кўра ўзбек адабиётида инкилобдан кейин роман пайдо бўлди, дейиш нотўгри.

\*\*\*

Маркесдаги “думли бола” кадимги хиндулар мифологиясидан олинган. Миф хар доим фожиа билан якунланади.

\*\*\*

Бошка халк психологиясини инкор этиб бўлмайди. У айтаётган гапларни “шундай бўлади”, деёлмасак, “шундай бўлиши мумкин экан”, деб фараз килайлик.

\*\*\*

Ёзувчининг борлиги унинг бутун асарлари билан белгиланади. Унинг буюк асарлари (ижодкорнинг) факат бир томонини кўрсатади, холос. Ёзувчининг буюклиги унинг ожиз асарларида ҳам кўринади. Ижод бу – система. Хуллас, санъаткорнинг улуглиги унинг битта-иккита асарлари билан ўлчанмайди.

\*\*\*

Биз табиат кўйнидан чикканмиз. Фожиамиз ҳам шуки – чикканмиз. Инсон – табиат унсури. У – абадий. Табиатда эврилиш бор, лекин йўқолиш йўқ, бўлмайди.

\*\*\*

Адабиётнинг бирдан-бир вазифаси – хаётни ошкора кўрсатиш, унинг фожиасини кўрсатиш.

\*\*\*

Чакалок тугилиши билан каттик йиглар экан, у дунёга келганини интуитив равишда хис қилиб, дахшатдан йиглайди. Менингча, унинг тафаккури катта бўлгандаги тафаккурига тенг. Факат у улгайгандагина мазкур тафаккур намоён бўлади.

\*\*\*

Инсон тугилганда ифлос ва ёлғиз бўлади. Ўлаётганда яна ифлосланади. Инсоннинг мохияти ана шу икки нуктадан иборат. Унинг оралиги субстанция – мохиятнинг харакати.

\*\*\*

Яшашнинг ўзи – фожа. Ибтидо фожа бўлсаю интихо фожа эса, демак, ўртаси ҳам фожа. Биз ана шу фожиани, дахшатни енгасаккини уни тушунамиз. Йўкса, унинг қулига айланиб қоламиз. Ўз фожиасига камдан-кам одам чидайди. Фожага бардош бериб, уни кўзгуда акс эттира билган ёзувчи оз, жуда ҳам оз.

\*\*\*

Хар ёзувчининг ўз виждони олдидаги жавобгарликдан ташқари бошқалар олдидаги жавобгарлиги ҳам бор. Хатто бу муҳимроқдир. Хақиқий ёзувчи ўз шахсий хаётида бир талай номаъқулчиликлар қилган бўлиши мумкин, бироқ бошқаларга нисбатан ҳеч қачон қабихлик қилмайди.

\*\*\*

Хар қандай мард одам ҳам ўзидан ва бировдан ниманидир яширади.

\*\*\*

Адабиётшуносликда профессионализмнинг икки томони бор. Биринчиси – асарни англаш. Бу жараёнда ўзликдан воз кечиш керак. Ўзлик, албатта, таъсир кўрсатади, лекин мазкур жихат йўналишини белгилаб бермаслиги лозим. Мен асарни белгилаб бермайин, балки асар мени белгилаб берсин. Иккинчидан, профессионалда асарни ўқиётгандаги лаззатланиш хиссиёти сийқаланиб боради.

\*\*\*

Энг қийин нарса – болалиқни ўзида сақлаб қолиш. Болаларда қолип бўлмайди. Адабиётшунос ана шундай бола бўлиб фикр қилса, кўп нарса ютади.

\*\*\*

Достоевскийда Мишкин – телба, қолганлар соғ. Аслида, Мишкин соғ-у, бошқалар телба.

\*\*\*

Хаётда ёлгон гапириш ёмон нарса. Лекин хаёт ўз йўлида кетаверади, адабиётда эса умуман ёлгон ишлатиш мумкин эмас.

\*\*\*

“Улисс”ни ўқиш учун мифология ва “Одиссея” каби дostonлар билан танишиб чиқиш лозим.

\*\*\*

Халокат бу – қутулишнинг йўли эмас. Ўлим – зиддиятнинг хал қилмайди. Иложсизлик ва иложнинг мавжудлиги “Юз йил танҳоликда” бирлашади.

\*\*\*

Одиссей ёлғиз эмас, уни хатто халок бўлганларнинг руҳлари қўллаб турибди. Аммо бу – биздаги коллектив хақидаги тушунчадан тамоман бошқадир. Маркесда танҳолик бор. Буни таҳлиллаш учун ақл бовар қилмас истеъдод керак. Бу хатто Фолькнерда ҳам йўқ.

“Улисс”да танхолик шу бугуннинг хусусияти тарзида очилади. Маркесда танхоликни келтириб чиқарган – кечаги танхолик. Бу ўринда яккаланишдан ташкари яккалаш ҳам мавжуд. Бу факат одамга эмас, балки оламга ҳам хос хусусиятдир. Танхолик юз йил аввалги гражданлик урушидан келиб чиқади. Бу – шартли. Аслида, ёлғизлик башарий киргиндан келиб чиқади.

Жазонинг оқибати тазарру бўлмоғи керак. Жазонинг ўзи яна киргинга сабаб бўлади. Буэндиоларнинг бошига тушган кулфатлар жазонинг бир кўриниши. Инсон табиатида тазарруга караганда ёвузлик кучлироқ.

\*\*\*

“Кори ишканба” – Гобсекнинг кўчирмаси. Каранг, Кори ишканбага рахмингиз келмайди, Гобсекка эса келади.

\*\*\*

Агар истеъдод бўлса, қачондир, нимадир намоён бўлади. Бу – муқаррар.

\*\*\*

“Улисс”ни узлуксиз ўқиш керак. Чунки ҳаётнинг ўзи шунақа – узлуксиз. Ҳаёт субстанция эмас, балки ходиса. Танхолик ҳам шундай. “Юз йил танхоликда”ги юз йилнинг ўзи чексиз.

Кафка

Хемингуэй, Маркес, Диккенс каби адиблар: “асар бошқа, мен бошқа”, деган гапни айтишган. Менингча, бу нотўғри. Чунки ёзувчи ким бўлса, асар ҳам ўшандай бўлади. Одам ўзидан нур таратади. Худди шундай, асар ҳам ёзувчининг бир кўринишидир.

Кафкадек дахшатли ёзувчи дунёда йўқ. Кафка маънавий жихатдан эзилиб, майдаланиб кетган. Яхудийларда одам каторига кириш учун ҳар нарсадан воз кечиш одати бўлган. Улар хатто диндан-да кечишган. Лекин, аслида, калбда, шуурда ҳеч қачон кечмайдилар. Дахшат шу ердан вужудга келади. Чунки аросат бошланади. Кафка яхудийликдан чиқиб кетган ва немис тили унинг учун она тилига айланади. Шунинг ўзи танхоланишдир. У жамиятга киришга ҳаракат қилди, лекин жамият уни ўзидан итарди. Кафкани биров реалист деса, бошқа биров модернист дейди. Кафкани ўқиганда, шу заминдан келиб чиқиб қараш керак эмас, шуурда заминдан бир оз кўтарилиш лозим. Ҳаёл ҳам реаллик эканини тушуниш керак.

\*\*\*

Болалигимизда эртақдаги барча нарсаларга ишонар эдик ва ишониб тўғри қилганмиз. Ақлимиз расо бўлган сари табиийликдан узоклашиб борамиз.

\*\*\*

Кафка ўз асарларининг асосий қисмини чоп этишларини ман қилган. Чунки асар таъсирида ўқувчини дахшатга тушиб, асар асири бўлиб қолишини истамаган. У бундай асарларини хатто ёқиб юборишларини илтимос қилган.

\*\*\*

Гоголь ва Кафка ўртасида ўхшашлик бор. У ҳам Кафка даражасидаги даҳо. Масалан, унинг “Вий” асарини ўқиб кўринг. Гоголь “Ўлик жонлар”нинг иккинчи қисмини ёқиб юборган. Эмишки, у мазкур бўлимда помешчиклардан бирини ижобий қилиб тасвирлаган ва кейин тушуниб қолиб ундан воз кечган. Бу – хато фикр. Аслида, Гоголь ўз асаридан ўзи дахшатга тушган. Биз Гоголни Белинскийнинг тахлилидан келиб чиқиб баҳолаймиз. Гоголь покланишга чақирган. Буни Белинский тушуниб етмаган ва танқид қилган. Аслида, Гоголь воқелик қандай бўлса, ўшандай ақс эттирган.

Гоголь ҳам рус бўлиб рус эмас, украин бўлиб украин эмас. Аросатда қолган шахс.

\*\*\*

Хаётнинг ўзи трагикомедия.

\*\*\*

Нусха кўчириш – санъат эмас.

\*\*\*

Ўз нонимиздан бир бурдасини берганга куллуқ киладиган халқ вакили бўлишдан мен уяламан.

\*\*\*

Качонгача ҳамма одамларни буюқ, табиатнинг энг олий тожи, деб юрамиз.

\*\*\*

Аввало, ўзликдан воз кечишга рози бўлиш керак. Аввало, киши ўзидан кўркмаслиги лозим. Бундай кўркув хиссини енгиш зарур.

\*\*\*

Кафка 41 ёшида вафот этди. Уни асарларида акс этган хақиқат ўлдирди. Кафканинг улуглиги ўша дахшатни кўра олганлигида.

\*\*\*

Лирик қахрамон ва шоир деган гап бор. Бу – гирт бемаънилик. Факат шоир бор. Лирик қахрамон ҳам шоир, шоир ҳам шоир.

\*\*\*

Пушкин Байроннинг “Шарк поэмаси” деган асари тўғрисида: “Байрон ҳар бир қахрамонга ўз хусусиятидан битта-биттадан берган. Бу – унинг заиф томони”, деган. Ушбу фикрларида Пушкин ҳақсиздир.

\*\*\*

Вокеликни акс эттиришда ўзини қурбон қилиш Жойс, Камю, Кафкада жуда яққол кўринади.

\*\*\*

Ёзувчининг аросатлиги! Ўйлаб қарасак, ҳаётнинг ўзи шунақа – на у ёқлик, на бу ёқлик.

\*\*\*

Тургунлик даври бир тийинга қиммат давр. Аслида, унинг ўзига ҳос аҳамияти мавжуд: Кафка, Жойс, Камю сингари ёзувчилар юзага келади.

\*\*\*

Кўздан ёш чиқиши – бу жуда осон йўл. Биз дахшатга тушишни билмаймиз, тушунмаймиз.

\*\*\*

Жамият тараккиётида ягона йўл бор – эволюцион, революция билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Революция бу – табиатга нисбатан тазйик.

Дарахтнинг кадри қанча бўлса, инсоннинг кадри ҳам шунча.

Утопик асарлар

Ҳаёлни илмга айлантормокчи бўлдилар ва айлантирдилар, лекин амалга ошмади.

\*\*\*

Романларни ўқиётганда дахшатга тушамиз, бироқ ҳаётдан кўркмаймиз. Аслида, романдагилар ҳаётда бўлган.

\*\*\*

Инсон тафаккурда юз фоиз эркин бўлмоғи керак.

\*\*\*

Мафкура санъатда ҳокимлик талаб қилар экан, бадиият бузилади, сўз бузилади.

\*\*\*

Адабиёт хаётнинг худди ўзи эмас ва бўлмаслиги керак. Адабиёт иллюзияга айланиши лозим, яъни, гўё худди шунака.

\*\*\*

Кўришиб турган нарсани факат сўз билан ифода килинса, бунинг нимаси санъат?

\*\*\*

Навоий асарлари хаётнинг худди ўзи эмас, балки гўё худди ўзи.

\*\*\*

Уран сайёрасини Гёте башорат килган. Яъни, хар кандай сиймо бу – ахбор (информация).

\*\*\*

Фарходга Ширин кўзгуда жонли бўлиб кўринади. Бу хозирги кибернетикага мос тушади.

\*\*\*

Хар кандай асар, одатда, бир сўз учун ёки бир сатр, бир фикр учун ёзилади.

\*\*\*

“Кутлуг кон”да романнинг асосий гоёси Мирзакаримбойда мужассам бўлган. “Ер сотган эр бўлмас, эр ер сотмас” деган фикр учун мен ушбу романни буюк асар деб атайман. Бинобарин, “Кутлуг кон”нинг асосий кахрамони Мирзакаримбойдир.

\*\*\*

Мана биз нисбатан озодмиз . Лекин нега жим турибмиз? Чунки рухимиз кулфлок. У дахшатдан халос бўлмоги лозим. Балки бу дахшат ирсиятга айланиб колгандир.

\*\*\*

Хар кандай асарда нисбатан камчилик бўлади, уни ўйлаб чиқаришнинг хожати йўк.

\*\*\*

Санъатнинг энг зўр устунларидан бири – шартлилик.

\*\*\*

Инсоннинг хамма сохадаги ишлари бир хил принцип (тамойил)га асосланади.

\*\*\*

Шундай ходисалар борки, улар мохиятнинг ўзида мужассам бўлади.

\*\*\*

Бадий асар бу – модел. Истеъдоднинг кудрати ана шу моделлаштириш процессида намоён бўлади.

\*\*\*

Асар – модел. Лекин бу унинг каддини туширмайди, балки оширади. Чунки моделда чек йўк, чегара йўк.

\*\*\*

Хар кандай асарда санъаткор ўзини намоён килади. Шу – модел.

\*\*\*

Бизниқидан бошка галактикаларда хам инсонлар бор. Улар бошкача, лекин мохият битта. Бунинг тушунмасдан туриб санъатни талкин килиш мумкин эмас. Санъатни олам мохиятидан ажратиб олиш керак эмас.

\*\*\*

Биз ўз кобигимиз ичидан чика олишимиз лозим. Биз хали тухумни ёриб чикмаганмиз.

\*\*\*

Санъатда ниманидир тушуниш инсонга хузур бахш этиши керак.

\*\*\*

Ёзувчи ёзмаслик мумкин бўлса, ёзмайди.

\*\*\*

Ўзликни намоён қилиб бўлгандан сўнг хақиқий санъаткор учун хаётнинг кизиги йўк.

\*\*\*

Яшаш бу – ижод!

\*\*\*

Хақиқий санъаткор канчалик буюк бўлса, шунчалик нозик бўлади.

\*\*\*

Яшаш нима? Бу ўзликни намоён қилиш. Еб-ичиш, сайр қилиш – булар восита, холос.

\*\*\*

Ўзликнинг ўз маъноси, мохияти бор. У бемаъни эмас. Шу мохиятни тушунсаккина ундан кўркмаймиз.

\*\*\*

Толстой баъзан қолипга тушади, лекин Достоевский учун ўлчов йўк. Достоевскийнинг тафаккур ва истеъдоди тенг. Толстойда истеъдод пастрок.

\*\*\*

Рухий ҳолат Стендалда системага айланган. Бу хатто Толстойда ҳам системага айланмаган.

\*\*\*

Рухият кўп жихатдан онг ва тафаккур билан боғланмаган. Унинг илдизлари бошқа жойда.

\*\*\*

Истеъдод бу – меҳнат эмас, у тугма хусусият.

\*\*\*

Сексология – эркак ва аёл ўртасидаги рухий муносабат. У илохият даражасига кўтарилган нарса. Инсонни юксакликка чорлайдиган куч.

\*\*\*

Истеъдод – инсон сексологик имкониятларининг энг юкори даражага кўтарилиши.

\*\*\*

Шеърга ошиқ бўлмаган шоир шоирми? Аллоҳга, борликка ошиқлик ҳам шеърга ошиқликда намоён бўлади.

\*\*\*

Ёзувчи кўзга кўринмас ипларни савкитабий оркали топади. Чунончи, Бетховен ўзининг жаҳонга машхур 9-симфониясини қар бўлиб қолганда ёзган.

\*\*\*

Бўгилган эхтирос (секс) тафаккурга таъсир килади. Хатто фожиага айланиши мумкин.  
\*\*\*

Буюк асарларнинг хаммасида системали рухий ҳолат мавжуд.  
\*\*\*

Инсоннинг рухияти ўзи мустақил, кўпинча, ташки шароитдан, воқеа- ҳодисалардан келиб чиқмайди, улар фақат туртки бўлиши мумкин. Ташки шароит билан тўқнаш келинганда яшириниб ётган рухий ҳолат уйғониб кетади.  
\*\*\*

Роман, аслида, инсонни кашф қилиш.  
\*\*\*

Биз одамнинг кадрили билмаймиз, гўё халқнинг кадрили билмаймиз. Ахир, халқнинг ўзи нимадан иборат?  
\*\*\*

Бир-бирини севишиб турмуш қурганларда сексологик муносабат гўзаллик тугдиради.  
\*\*\*

Хар қандай олий ишқий муносабатларнинг манбаи ўша – ибтидоий инстинкт.  
\*\*\*

Идеал қахрамонларнинг хаммаси – фожиа. Чунки улар ҳаёл, амалга ошмайдиган ҳаёл ва ёзувчи буни савкитабийи орқали сезиб туради.  
\*\*\*

Кафка: “абсурдда абсурд”, деса, Камю: “ҳаёт абсурд, лекин унинг ўзи қадрият”, дейди. Яъни, тугилиш ва ўлимнинг ўзи қадрли. Шу икки нуқтанинг ораси абсурд, бироқ қадрли абсурд.  
\*\*\*

Борган сари асар ҳажми қисқараяпти, лекин мазмун кенгайяпти.  
\*\*\*

Китоб ўқиш учун китобхон ўша давр руҳига кириши, ўша давр одамлари нуқтаи назаридан туриб ёндашиши лозим. Бўлмаса, ўқиб бўлмайди.  
\*\*\*

Ёзувчининг қалби оламга очик бўлиши керак.  
Қуръон қалби – оламга очик ҳодиса.  
\*\*\*

Шаклда қайтарилмагандан кейин, демак, мазмун ҳам бошқача бўлади.  
Модернизм

Натурализм – XX аср бошидаги модернизм. Натурализм система даражасига кўтарилмайди. У икки хил даврни бошидан кечиради.

Горький натурализмни нотўғри тушунган. Натурализмда кўпроқ модернизмни тушунганлар. Белинский модернизмни тушуниш даражасига етиб келмаган. Унда ўтакетган субъектизм бор. Толстой уни ҳеч қачон қабул қилган эмас. Хатто Некрасов – деҳқон шоири ҳам. Белинский Пушкинни бир ёқлама талқин қилади. Унингча, Пушкин подшоҳга қарши, революционер. Натурализмни нотўғри тушуниш Белинскийдан бошланган.  
\*\*\*

Эхтимол, Гоголь интуитив равишда модернизм йўналишида ёзгандир.  
\*\*\*

Чернишевский эстетикасининг мазмуни: гўзаллик – меҳнатда.

\*\*\*

Садриддин Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” – деярли очерк. Унда вокеликни инъикос эттириш йўк, балки факат тасвир бор. Бунда Гарб модернизмдан таъсирланган ўринлар мавжуд. Козимийда шундай асар “Кўркинчли Техрон”дир. Агар Шаркдаги мана шу 20-30 йиллик натурализм бўлмаганда, хозир ҳам классик анъана давом этаётган бўлурди.

\*\*\*

Жахон прозаси Золя романларидан бошланади, дейишади.

\*\*\*

Энгельс Бальзакни ўрнак қилади. Лекин реализмнинг ўзига хослигини бир ёзувчи орқали бериб бўлмайди.

Золя ҳам эстетик, ҳам бадиий система яратган. Хозирги замон реализми классик замон реализми билан Золя даври реализмининг кўшилувидир. Балки, реализмдан, натурализмдан ажратиб олишнинг ўзи нотўғридир.

Натурализмнинг мохияти нимадан иборат? Факат Золянинг экспериментал романидан келиб чиксаққина, натурализмга тўғри баҳо берамиз.

\*\*\*

Марксизм: “базис бирламчи, усткурма иккиламчи”, дейди. Хўш, марксизмнинг ўзи нима? Усткурма ва у дунёни ўзгартирди. Демак, базис бирламчи эмас.

\*\*\*

Энгельс: “Бальзак ўтмишдаги ва хозирги барча Золялардан устун”, дейди. Золяга берилган баҳо натурализмга берилган баҳо эди ва шундан кейин унга (натурализмга) эътибор сусайди.

\*\*\*

Инсоннинг нафакат ижтимоий, балки биологик – энг муҳим томони ҳам ҳисобга олиниши зарур. Натурализмнинг устунликларидан бири, инсонни биологик мавжудот деб қараш билан боғлиқ. Бальзак эса инсонга кўпроқ ижтимоий мавжудот сифатида ёндашади. Бальзак даврида бу табиий ҳодиса эди, бироқ ўша пайтдаёқ бунга қарши бўлган Стендаль дунёси бор эдики, буни ҳам инкор қилмаслик лозим.

\*\*\*

Стендаль – психологик таҳлил. Вақтида уни ҳеч ким тушунмади, кизиги шундаки, уни Бальзак тушунди. Бальзак Стендалга айтади: “Нега сиз ҳолатларни тасвир этаётганингизда атрофни ҳам қизмайсиз?” Кўринадикки, Бальзак ҳамма ҳақиқатни ўзида мужассам этолмайди.

\*\*\*

“Менингча, типик деган тушунчадан умуман воз кечиш керак. Чунки хозирги замон реализми учун бу ўзини оқламайди”, деган эди Роже Городи. Ушбу француз адабиётшуносининг “Реализм без берегов” деган асари мавжуд. У Кафкани биринчи бўлиб социалистик реалист, деб атайди.

Роже коммунист бўлган. Кизик, илгари улуг рухонийлардан дахрийлар чиккан, энди эса дахрийлардан Рожелар чикяпти.

\*\*\*

Эҳтимол, Кафкани система деб эмас, балки модернизмнинг бир кўриниши, деб тушунмоқ



керакдир.

\*\*\*

Бергсон инсонни, асосан, биологик мавжудот сифатидаги рухиятини ўрганади (ирсият назарияси).

\*\*\*

Инсон ўзини кашф қилишда ҳам табиатга таклид қилади. Бу – биринчи кашфиёт. Яна бир кашфиёт ирсий кашфиёт ҳисобланади. Яъни, инсон бир-биридан ўзининг биологик характери билан фарқ қилади. Бўлмаса, нега бир хил шароитдаги ўнта одам ўн хил бўлади? Ташки шароитдан кучлироқ нимадир бор экан, ахир. Буни кашф қилмоқчи бўлган Сегенов жинни бўлиб ўлган.

\*\*\*

Инсонни кашф қилиш табиат билан боглик.

\*\*\*

Адабиёт – инсонни кашф қилиш.

\*\*\*

Ирсият назарияси керак эди. Шундан кейин Бальзак ҳам, Достоевский ҳам, Толстой ҳам жавоб беролмай қолди. Шунга карамай, натурализмда юкоридагилар бутунлай инкор этилмади.

\*\*\*

Шарқда етти авлодни билиш бор, етти авлод ичида киз бериб, киз олиш йўқ. Чунки ирсият бузилади.

\*\*\*

Бальзак воқеликнинг яширин механизмини ҳатто математик шаклларга солиб кўрмоқчи бўлган. У математика ва социологияни мутахассисларидан ҳам яхши билган.

\*\*\*

Шароит қандай бўлса, характер шундай бўлади, деган гапни исботлаб қилишади. Аслида, бу унча тўғри эмас. Хар битта одамга, албатта, мухит таъсир қилади, бироқ уни йўлга солиб турган табиати ҳам бор.

\*\*\*

Характер индивидуаллик ва объективликнинг тўқнашувидан келиб чиқади, дейишади-ю, негадир унинг индивидуаллиги (табиати)га эътибор беришади.

\*\*\*

Инсон тугилмасидан олдин биологик жихатдан программалаштирилган бўлади. Бироқ буни умумий қонуниятга айлантирмаслик лозим, яъни, ўгрининг ўгли ўгри бўлади, дейиш керак эмас. Шунга карамай, буни-да, эътиборга олиш лозим.

\*\*\*

Золяда натурализм ва реализм қўшилиб кетади.

\*\*\*

Натурализмда ҳаракат – динамика йўқ. Буни ҳам биз нотўғри тушунамиз, яъни, динамика бўлмаса, ёмон деймиз. Аммо динамикасиз антик дунё асарларини кўкка кўтарамиз. Масалан, трагедиялар уч хил шароитда ўтади.

\*\*\*

Адабиётдаги ходисаларга таъриф бериш керак эмас, муҳими, уни тушуниш.

\*\*\*

Толстой: “бир лахзани акс эттириш мумкин”, дейди ва тахминан беш юз бетлик бир асарини шунга бағишлайди.

\*\*\*

Шунака ходисалар борки, умрнинг мохиятини динамикасидан келтириб чиқариб бўлмайди. Чунки бунда бир ҳаракат иккинчи, навбатдаги ҳаракатга қарши бўлиб чиқади. Буларни фақат лаҳзани инъикос эттириш орқалигина мохиятини тушуниш мумкин. Шу жихатдан олганда, кўпчилик тан олмаса-да, фотография ҳам санъатдир.

\*\*\*

Адабиётнинг яна бир чексиз таъсирларидан бири – раҳм-шафқат туйғусини уйғотиш бўлса керак.

\*\*\*

Бергсон фалсафасига кўра, борликнинг кечмиши эволюцион ҳаракатга асосланган ва у ҳар доим ҳам жўнликдан мураккабликка томон боравермайди, ҳамма нарса қайтарилади.

\*\*\*

Бугун интихо бўлган нарса эрта учун ибтидо.

\*\*\*

Натурализм ҳам эволюцион руҳда акс этади.

\*\*\*

Инсоннинг ўзи ҳам, унинг санъати ҳам табиатга қанча яқин бўлса, шунча қучли бўлади. Руссо табиатга восита сифатида қараган. Табиат унинг учун мохият бўлмаган. Натурализм Руссо ожизлигини ҳам маълум маънода енга олган.

\*\*\*

Индустрия табиатни (инсонни ҳам) қулга айлантиради.

\*\*\*

Натурализмда табиатга қайтишга интилиш бор.

Томас Манн

Бадий асардан ҳулоса чиқариш керак эмас. Ҳаётнинг ҳулосаси бўлади.

\*\*\*

Томас Маннда оламга нисбатан олам яратишга интилиш бор.

\*\*\*

Аристотель: “Асар табиатга таклидан яратилган “нарса”дир”, дейди. Мен буни андақ ривожлантириб: “Асар табиатга таклидан яратилган табиат, бошқа табиат, табиатга мувозий (параллел) табиат”, дейман.

\*\*\*

Таклид ўхшаш эмас, нусха бўлса ўхшаш бўлади.

\*\*\*

Бу бошқа табиатнинг ўз одамлари – тирик одамлари бор.

\*\*\*

Типиклаштиришни поэтиканинг бир қонуни, дейиш гуноҳ.

\*\*\*

Бадий асарнинг ўзи воқелик.

\*\*\*

Моделлаштириш дегани бу – биров аввалги ва биров кейинги воқеликни табиатга таклидан яратиш демак. Бирок, ўн йил-ўн беш йилдан кейинини моделлаштириш қийин ва ҳатто мумкин эмас. Чунинчи, Томас Маннинг “Сехрли тоғ”ида фашизм моделлаштирилади. Роман ёзилганда фашизм ҳали бўлган эмас.

\*\*\*

Хар кандай бадий асарнинг ўз атмосфераси (хавоси) бор.

\*\*\*

Томас Манн бевосита табиатнинг ўзига таклид килмайди, миф оркали таклид килади.

\*\*\*

Дахо истеъдодларни кўлидан ушлаб юрадиган нарса кўпинча – интуиция. Гёте интуиция оркали Уран сайёрасини айтиб берган. Факат йигирма йил сўнггина бошка математик олим буни исбот килиб беради.

\*\*\*

Хаёт кўпинча кулфатдан иборат. Ёруг томонлари баъзан бўлади, баъзан бўлмайди.

\*\*\*

Томас Маннинг роман структураси миф асосига курилган. Демак, роман-миф жанрининг бошланиши у билан боглик.

\*\*\*

Бадий танкид эмас, бадий тахлил бўлиши керак.

\*\*\*

Олам мифологиясидан хамма нарсага жавоб топиш мумкин. Мифология – универсал нарса. У инсониятнинг бутун тарихи, тажрибаси.